

СЎНМАС УМИД ҲАҚИДА АФСОНА

Абдуллаева Насиба Бўроновна

ЎзМУ Ижтимоий фанлар факультети

“Фалсафа” кафедраси профессори, ф.ф.д

АННОТАЦИЯ

Мақолада юнон мифологиясининг ўзига хос жиҳатлари, инсоннинг олам, табиат, инсон ҳаёти ва унинг келиб чиқиши ҳақидаги афсонавий тасаввурлари, ҳикоялар, табиат ҳодисалари, ёруғлик ва қоронғилик, ёмғир, шамол, ўлим ва ҳаётнинг маъноси каби масалалар билан бирга худолар, маъбудлар ва инсонлар ўртасидаги муносабатларлар баён этилган. Жумладан, “Сизиф ҳақидаги афсона”да ҳаёт, тақдир, қисмат, умид масалалари, қаҳрамонларнинг маънавий олами таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: миф, афсона, ҳаёт, тақдир, умид, яшашга муҳаббат.

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются взаимоотношения между богами, богинями и людьми, а также такие вопросы, как особенности греческой мифологии, мифическое восприятие Вселенной, природы, человеческой жизни, истории, природные явления, свет и тьма, смерть и смысл жизни. В частности, в "Мифе о Сизифе" анализируются вопросы жизни, судьбы, рока, надежды, духовного мира героев.

Ключевые слова: миф, мифология, жизнь, судьба, надежда, любовь к жизни.

ABSTRACT

The article examines the relationship between gods, goddesses and people, as well as issues such as the peculiarities of Greek mythology, the mythical perception of the universe, nature, human life, history, natural phenomena, light and darkness, rain, wind, death and the meaning of life. In particular, the Myth of Sisyphus analyzes the issues of life, fate, fate, hope, and the spiritual world of the characters.

Keywords. myth, mythology, life, destiny, hope, love of life.

КИРИШ

XXI асрда жаҳон мифлари, улардаги образ ва тимсоллар янгича талқинларга бой бўлиши билан айни пайтда анча мураккаб ва баҳслидир. Чунки улар турли мутахассислар файласуфлар, филологлар, маданиятшунос ва психологлар ёндошувлари бир биридан фарқ қилади. Аммо уларга хос умумийлик ҳам мавжудки бу унинг тафаккур маҳсули ва маданият кўриниши,

воқеликни акс эттиришнинг ўзига хос усуллари эканлигидадир. Мифлар ҳар даврда қиёфасини ўзгартиради, давр руҳига мувофиқ янги талқин этилади ва мазмун билан бойийди. Ушбу мақолада юнон мифологиясидаги “Сизиф ҳақидаги афсона” нинг фалсафий талқинига эътибор қаратилган.

Ушбу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинган:

- Юнон мифологиясининг ўзига хос жиҳатларини кўрсатиш;
- Сизиф ҳақидаги афсонанинг моҳияти ва ҳозирги замондаги аҳамиятини очиқ бериш;
- Сизиф афсонасидаги инсон ҳаёти, тақдири масалаларини фалсафий жиҳатдан таҳлил этиш.

Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти. Миф ва мифология бўйича илмий изланишлар олиб борилаётган тадқиқотлар учун назарий-методологик манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Методлар. Мазкур масалани ўрганишда мантиқийлик, анализ ва синтез, умумлаштириш, таққослаш каби усуллардан фойдаланилган.

Илмий муаммони қўйилиш. Миф ва мифология замонавий олимлар томонидан турли йўналишларда таҳлил қилинган. Жумладан, А.Ф.Лосев, П.Бергер, Т.В. Гамкрелидзе, А. Цуладзе, О.Ю. Пленков, Ю.М.Муртузалиев, А.Тайнашўгли каби тадқиқотчи олимлар мифларнинг турлари, келиб чиқиши хусусида ўз илмий қарашларини баён этишган.

Ўзбекистонда мифология масалалари, мифларнинг моҳияти, фалсафий жиҳатлари Ш.Қаҳҳарова, Н.Шермухамедова, У.Қорабев, И.Жабборов, У. Керимов, Т.Джумлатов, О.Нишонова, Х.Тошев, М.Хидиров, М.Усмоновлар томонидан ўрганилган. М.Рахмонова, М.А Ризоева, Жаббор Эшонқул каби адабиётшунос олимлар мифлардаги полифония, образлар, мажозларга эътибор қаратишган.¹ Аммо, “Сизиф ҳақидаги афсона”нинг фалсафий жиҳатлари етарлича таҳлил этилмаган. Мақолада ушбу мифда қаҳрамонлар ҳаёти, руҳияти, дунёқараши, маънавий оламини очиқ беришга эътибор қаратилади.

Асосий қисм. Маълумки мифлар халқнинг дунёқарашини, қадриятларини ва урф-одатларини акс эттиради. Бугунги кунда улар космогоник мифлар (оламнинг пайдо бўлиши), антропоник мифлар (инсоннинг яратилиши),

¹ Қаҳҳарова Ш. Глобаллашув глобал маънавиятнинг ғоявий асоси. –Тошкент: Тафаккур, 2009. – 720 б. Шермухамедова Н.А. Мифологик онг// Фалсафага кириш. –Тошкент: 2013. – 360 б.Қорабев У. Этнокультура. – Ташкент: Шарқ, 2005. - 239 б, Нишонова О. Этномаданият, – Тошкент: 2018 Жалилов Б. Дин фалсафаси. – Тошкент: Шарқ, 2019. – 181 б. Жабборов И. Ўзбек халқ этнографияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1999. – 234 б. Керимов У. Герменевтика мифов древней Греции. –Ташкент: Санъат, 2012. – 459 с. Джумлатов Т. Легенды, мифы, факты востока. –Ташкент: Узбекистан, 2018. –169 с., М.Усманов .Дунёнинг мифологик манзараси.Тошкент 2023 135 б

эсхатологик мифлар (дунёнинг ёки ҳаётнинг тугаши), қаҳрамонлик мифлар (машҳур қаҳрамонлар), табиат ҳодисалар мифлари (қуёш, ой, ёмғир, шамол ва ҳ.к.) каби турларга ажратилади. Миф (юнончадан ривоят, ҳикоя, масал) – халқ халқ оғзаки ижодининг энг қадим давларида пайдо бўлган, воқелик(олам)ҳақидаги тасаввурларни конкрет образлар воситасида акс эттирувчи ривоявий асарлардир. Мифлар олам ва одам ҳақидаги ҳикоялар бўлса-да, уларни ҳаммасини том маънода сўз санъати ҳодисаси деб бўлмайди. Улар қадимги одамлар учун тафаккур шакли бўлиб, мифлар воситасида оламнинг ёки инсоннинг яратилиши, табиат ҳодисалари қуёш чиқиши ва ботиши, шамол эсиши ва момақалдиноқ сабаблари кабиларни билишга интиланлар.

Жаҳон фалсафаси ва адабиётида қадимги Юнон мифологиясининг алоҳида ўрни бор. Инсониятнинг асрий муаммолари инъикос этган бу мифларда ботирлик, жасорат, ватан меҳри, инсоннинг қудрати улуғланган бўлса, пасткашлик, қўрқоқлик, хиёнат, сотқинлик каби иллатлар қораланади. Шу боис узоқ ўтмишда яратилган бўлишига қарамай, юнон адабиёти намуналари турли тарихий даврларда ҳам барчага қизиқарли ва фалсафий талқинларга бой бўлиб келмоқда. Қадимги Юнон мифлари барча халқларнинг адабиёти сингари халқ ижоди заминида пайдо бўлган. Юнон фольклоридан жуда кам намуналар сақланиб қолган бўлса ҳам, шуларга асосан қадимда юнон халқининг бой оғзаки адабиётга эга бўлганлигини билиш мумкин.

Юнон мифологиясида ибтидоий жамият кишиларининг табиат ҳақидаги тушунчалари ифода этилган. Антик давр маданиятининг, жумладан, юнон халқининг мифлари умумбашарий маданиятнинг асосларидан бири бўлиб, у ҳозирги замон кишисининг тасаввури ва тафаккури тарзига чуқур кириб борган. Юнон мифологиясининг жаҳон халқлари тараққиётига кўрсатган таъсири беқиёсдир. Бугун ҳам замонавий санъатда, жумладан, адабиётда, кинода, театрда, ҳайкалтарошликда юнон мифологияси ғоялари ва қаҳрамонларига кўплаб мурожаат қилнаётганини кўришимиз мумкин.

Қадимги юнон мифологияси ерда ҳаётнинг пайдо бўлишини, табиатдаги ҳодисаларнинг юз бериши сабабларини тушунтиришга бўлган уриниши сифатида пайдо бўлган мифлар яратилишининг ўзи инсоннинг ижодга ва ўз-ўзини билиб олишга қўйган илк қадами эди. Тадрижий суратда юнон заминининг турфа ҳудудларида вужудга келган айрим асотиқлардан қаҳрамонлар ва уларга ҳомийлик қилган маъбудларнинг тақдирлари ҳақида бутун бошли туркумлар таркиб топган. Юнонлар чакмоқ чақишини Зевснинг, денгиздаги даҳшатли довулларни Посейдоннинг ғазаблангани билан

изоҳлаганлар, инсон тақдиридаги турфа эврилишларда илоҳларнинг аралашувини кўрганлар.

Юрт кезиб юрган кўшиқчилар томонидан ижро этилган барча миф, афсоналар, мадҳиялар ва кўшиқлар замонлар ўтиши билан Ҳомер, Ҳесиод ва бошқа кўплаб шоирлар томонидан дostonларга айлантирилган. Қадимги юнон шоир драматурглари – Эсхил, Софокл, Эврипидлар ўз трагедияларини худолар ва қаҳрамонлар ҳақидаги қадимги асотирлар мазмунига асосланиб яратганлар. Замонлар ўтиши билан олам ҳақидаги мифологик тасаввурнинг ўрнини илмий билимларга ва табиат ҳодисаларини ўрганиш натижаларига асосланган қарашлар эгаллади. Илгари сирли туюлган кўплаб ҳодисалар илмий жиҳатдан асослаб берилди. Бироқ шунга қарамай, мифлар йўқолиб кетмади, улар ўз ҳаётини санъатда, адабиётда давом эттирди. Зевс, Прометей, Геракл ва бошқа қадимги мифларнинг қаҳрамонлари, турли давр ёзувчиларининг асарларида умрларини давом эттирдилар ва давом этмоқдалар.

Юнон мифлари орасида “Сизиф ҳақида афсона” ўзига хос фалсафий мазмунга эга. Сизиф худоларга беписанд муомалада бўлгани, уларни алдагани учун берилган ҳукмга кўра зил-замбил харсангни тоғ чўққисига думалатиб чиқиш жазосига маҳкум эди. Сизиф харсангни чўққигача думалатиб, олиб боради, тош эса оғирлиги сабаб чўққидан пастга тушиб кетаверади. Худолар Сизифни бефойда меҳнат, азият чекиш билан жазолашган. Айрим талқинларда Сизиф бани башардаги энг донишманд ва огоҳ банда дейилса, бошқаларида эса, унинг қароқчиликка алоқаси бўлганлиги айтилади, у худоларнинг бутун сирларини ўғирлаб, очиқлаганликда айбланади.

Айёр Сизиф фоний оламини тарк этишдан олдин хотинига ўз жасадини кўмдирмасликни, ерости маъбудлари учун қурбонлик келтирмасликни тайинлади. Сизифнинг хотини эрининг гапини икки қилмасдан адо этди — маъбудлар учун қурбонлик қилмади. Аид ва Персефона дафн қурбонлигини узоқ кутса-да, ҳамон қурбонликдан дарак йўқ эди. Сизиф Аиддан ёруғ дунёга бир зумга чиқаришини сўрайди, у «хотинимга қурбонлик келтиришни амр этаман-у, Аид салтанатига яна қайтаман», деб ваъда беради. У Аидни алдаб, тирикликка – ер юзига қайтади. Ким ҳам ўзи истаб ёруғ дунёни ташлаб кетарди, Сизиф ҳам ўликлар дунёсига қайтиб боришни хаёлига келтирмай, базму жамшид куриб, шод-хуррам яшаб юраверади. Худоларга нисбатан беписандлик, ҳаётга иштиёқ Сизифнинг руҳлар ўлкасида юқорида айтилган бемаъни жазога тортилишига сабаб бўлди.

Улкан харсангни кўтариб юмалатиш, қайта ва қайта бир тепаликка тирмашиш аммо, қилаётган ҳаракат ва меҳнатнинг ҳеч бир фойдаси йўқ, онгли

равишда қилаётган ишининг бемаъни ва фойдасиз эканлиги бу фожиа. Ушбу зерикарли ва такрорланувчи меҳнат инсон ҳаётида кўп учрайдиган маъно ва мақсадсизликни тасвирлайди. Аммо Сизифнинг умидсиз вазиятига қарамай, инсон ундан сабоқ олади, сабр-бардош, олға интилишни ўрганади дейиш мумкин.

Сизиф ҳақида Гомер, Эсхил, Софокл, Еврипид, Критий сингари буюк юнон мутафаккирларидан тортиб, Сартр, Жойс, Пруст, Кафка, Камю каби кўплаб Европа адиблари турли жанрларда асарлар яратишган. Уларда Сизиф турли қиёфа ва характерда намоён бўлади. Лекин барчаси учун ягона хусусият ҳам мавжуд: Сизиф фирибгар, худоларни алдаган, уларнинг сирини фош қилган, бўйсунмаган, амрини бажаришдан бўйин товлаган. Бундай шаккоклиги ва қайсарлиги учун у худолар томонидан қаттиқ жазога маҳкум этилган. Айнан тош жазоси Сизифга бекорга берилмаган. Айрим афсоналарда тасвирланишича, Сизиф таъмагир, шуҳратпараст, худбин, йўлтўсар-қароқчи бўлган ва йўловчиларни тунаб, бойликларини тортиб олгач, уларни тош остига бостириб, азоблаб ўлдиришдан завқланган. Демак худолар томонидан берилган бу жазо бежиз эмас.

Албер Камю Сизифни абсурд қаҳрамон сифатида тасвирлайди. Бу маънисиз ҳаётда фойдасиз уриниш ва рўёбга чиқмайдиган умид билан яшаш абсурднинг фалсафий моҳиятини инъикос эттиради. “Сизиф — бутун инсоният рамзи. Унинг тошни юқорига олиб чиқиш машаққатлари — одамзоднинг тирикчилик кўйидаги уринишлари ва тараққиёт йўлидаги изланишлари. Чўққига етса-да, тошнинг юқорида тўхтаб қолмаслиги — камолот йўлидаги интилишларнинг ҳеч қачон интиҳо топмаслиги, қайта ва қайта такрорланиш тимсоли. Эҳтимол, бу асотир инсоният инсонлик мақомидан кўтарилиб, мутлақ Комил ақл даражасига етолмаслиги ҳақидадир.”²

Сизиф худолар ҳукмини адо этишга мажбур. У тинимсиз равишда улкан тошни думалатиб тепаликка олиб чиқишга уринади. Манзилга етай деганда тош яна пастга думалаб кетаверади. Аммо Сизиф ахдидан қайтмайди, у такрор ва такрор харсангни тепаликка олиб чиқишга интилаверади. Сизиф тош орқасидан аста-секин пастликка туша бошлайди. «Мени мана шу озгина фурсатда намоён бўлган Сизиф қизиқтиради, – деб ёзади Камю. – Унинг толиққан юзини тошдан фарқ қилиб бўлмайди! Мен туганмас азоб-уқубатлари томон ҳорғин, бироқ шахдам қадамлар билан тушиб келаётган одамни кўриб тураман. У шу пайтда нималарни ўйлаётган экан? Шу аснода нафас олиши билан ҳамоҳанг равишда унинг онги ҳам уйғона бошлайди. Куйига, худолар томонидан мангу инъом

²<https://www.ekogazeta.uz/xabarlar/5180>. Миннбоева Д. Умид. Сизифона меҳнат.

этилган ғорига қайтар экан, Сизиф ҳар дақиқада ўз қисматидан юқорига кўтарилади. У ўз тошидан ҳам қаттиқроқ иродага эга бўла бошлайди».³

Файласуф адиб Альбер Камю Сизифни гўёки ҳар бир қадамини кўргандек тасвирлайди. Асарларида ҳам Сизиф сингари чорасиз аммо умид сари интилаёт инсонларни тасвирлайди. Шу маънода абсурд умидни инкор қилмайди. Умидсизлик абсурднинг ашаддий рақиби ҳисобланади. Сабаби шундаки, гарчи абсурд сўзи «маънисиз, тутуриқсиз» деган маъноларни англатса ҳам бадиий асардаги абсурд ғояси инсоннинг ана шу маънисиз, тутуриқсиз ҳаётда умид билан яшаб, бирон бир из қолдириш, умридан мазмун қидиришдан иборатдир. Бу мантиқсиз ҳаётда умид билан яшаш абсурд ғоясининг асосини ташкил қилади. Абсурд асар тафаккур жараёни билан боғлиқ тушунча. Шу сабабли абсурд асар кўпроқ фалсафий моҳият касб этади. Инсон ҳамиша жумбоқ бўлиб келган. Абсурд — инсонни бадиий тадқиқ ва тасвир этишнинг бир усули, холос. Шу маънода абсурд маънисизлик эмас, аксинча, маънисиз воқеликдан қочиш. “Сизиф қоядан қайтар экан, ер бағрига яқинлашган сайин вужудида кучли меҳр, адоқсиз муҳаббат, бахтиёрлик, осойишталик туйғулари пайдо бўла бошлайди. Бироқ бу алдамчи туйғулардир, уларни ҳис қилгани сари юрагидаги ғам катталашиб, уни эза бошлайди. Чунки у бу нарсалардан энди лаззатлана олмайди. Уни тош кутиб турибди, ўз иши билан машғул бўлиши шарт. Сизиф пешонасига ёзилганидан қочиб қутула олмайди. Реал ҳаётдаги инсон ҳам ана шу қисматга маҳкумдир.”⁴

Камю Сизифнинг хатти-ҳаракатларида қачонлардир тошни қояга олиб чиқишига бўлган ишончли умидини тасаввур этади. «Онги уйғона бошлаган қаҳрамонга эга бўлган бу афсона ғоят фожеийдир. Ҳар қадамда уни ғалабага бўлган умид кўллаб турса, яна қанақа азоб-уқубат тўғрисида гап бўлиши мумкин?!» дейди Камю.⁵ Абсурдга кўра яшаш маънисиз бўлса ҳам умид бор, одам ниманидир кутиб яшайди. Бу маънисиз ҳаётнинг алдамчи жилоларига учиб, таркидунё қилиш ёки ўзини ўзи ўлдириш ҳам абсурдга зиддир. Демак, инсон ҳар қандай ҳолатда ҳам олдинга интилиши керак, ўз ҳаётидан маъно топиши лозим. Сизиф афсонаси инсонга ана шу умидни беради.

Аслида инсон бу ёруғ дунёга ўз ҳаётидан маъно излаш, унга мазмун бағишлаш учун келади. Оллоҳнинг иродаси ҳам шундай, оламдаги ҳамма нарса инсон учун, у ҳар қандай ҳолатда ҳаётдан воз кечмаслиги, уни шарафли яшаб ўтиши керак, аслида ҳаётдан воз кечиш бемаънилиқдир. Ҳаёт машаққатларидан

³ Албер Камю. Бунтующий человек. Философия. Политика. Искусство.- Политиздат, 1990.-С. 123

⁴ Ёлдош Солижонов. Сизиф ва абсурд. “*Жаҳон адабиёти*” *журнали*, 2010 йил, 1-сон.

⁵ Албер Камю. Бунтующий человек. Философия. Политика. Искусство.- Политиздат, 1990.-С. 123

инсонни меҳнат кутқаради хоҳ жисмоний хоҳ ақлий бўлсада, инсонни ғамдан, ташвишдан холи қиладиган ҳам меҳнатдир. “Миф қадимги одамларнинг яхшилик ва ёмонлик, адоват ва саховат ҳақидаги тасаввурлари ҳамда дунёни ўзгартириш ва адабий адолат ўрнатиш ҳақидаги орзу-умидлари мажмуи.”⁶

ХУЛОСА

Хулоса қилганда, нафақат қадимги дунё балки бугун ҳам миф, халқ оғзаки ижоди инсон орзулари, умидлари ифодачиси бўлиб келаётгани учун ҳам у оналар тилида алла, бахшилар дўмбирасида термалар, ҳунармандлар меҳнатида турли нақш ва безаклар сифатида ифодасини топиб келмоқда ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Мифлар халқнинг кўп асрлик маданий бойлиги, у маънавий маданиятга доим таъсир кўрсатиб келган ва маънавий-ахлоқий тарбия воситаси ҳамдир. Чунончи “Сизиф ҳақидаги афсона” инсонни доим умид билан яшаш, олға интилиш, ҳаёт маъносини излаш, ҳаракат қилишга ундайди.

АДАБИЁТЛАР

1. Албер Камю. Бунтующий человек. Философия. Политика. Искусство.- Политиздат, 1990.
2. Йўлдош Солижонов. Сизиф ва абсурд. “*Жаҳон адабиёти*” *журнали*, 2010 йил, 1-сон.
3. Усмонов М. Дунёнинг мифологик манзараси . Тошкент, 2023.

⁶ Усмонов М. Дунёнинг мифологик манзараси . Тошкент, 2023.-40 бет